2-SHO‘BA SHO‘RLANISH MONITORINGI

Nukus · 16.10.2026 • UDK 633.85, 575.172

Мойли экинларнинг дастлабки ривожланиш босқичлари бўйича таҳлил натижалари

Сейтбаев Раўаж Сарсенбаевич[1] Қишлоқ хўжалиги экинлари агротехнологияси ва тупроқ унумдорлиги лабораторияси мудири, қ.х.ф.ф.д., к.и.х. · **Турдышев Бекмурат Хожамуратович**[1] директори, қ.х.ф.н., к.и.х. · **Жумабаева Сапура Нархон қизи**[2] таянч докторанти · **Бердибекова Айзада Султанбек қизи**[2] магистранти

[1]Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти
[2]Қорақалпоқ давлат университети

DOI 10.66073/ReFocus-Conf/1610065

Иқтибос учун: Сейтбаев Раўаж Сарсенбаевич, Турдышев Бекмурат Хожамуратович, Жумабаева Сапура Нархон қизи, Бердибекова Айзада Султанбек қизи. Мойли экинларнинг дастлабки ривожланиш босқичлари бўйича таҳлил натижалари // Оролбўйи ҳудудида сувдан фойдаланиш самарадорлиги ва шўрланишнинг қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ҳамда аҳоли ҳаёт фаолиятига таъсирини мониторинг ва назорат қилиш учун иқлимга чидамли инновацион технологияларни ишлаб чиқиш: халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Нукус, 2026. – Б. 259–261. – DOI: 10.66073/ReFocus-Conf/1610065

Аннотация. Ушбу мақолада Қорақалпоғистон шароитида мойли экинларнинг дастлабки ривожланиш босқичлари бўйича кузатувлар таҳлиллари келтирилган. Бунда мойли экинларнинг 6-8 барг пайдо бўлиши бўйича кузатув таҳлиллари олиб борилган. Кузатишлар натижасида мойли зиғирнинг Флиз зу нави ва хантал ўсимлигининг Ника ва Колла навларида 6-8 барг пайдо бўлиши бошқа навларга нисбатан 3-4 кунга эрта кузатилган.
Калит сўзлар: мойли экинлар, интродукция, экологик синов, нав ва дурагайлар, мойли зиғир, кунгабоқар, рапс, хантал, дастлабки ривожланиш, 6-8 барг пайдо бўлиш.
Аннотация. В данной статье приведены результаты наблюдений за начальными этапами развития масличных культур в условиях Каракалпакстана. В частности, проведён анализ наблюдений за появлением 6-8 листьев у масличных культур. По результатам наблюдений установлено, что у сорта масличного льна Флиз зу и сортов горчицы Ника и Колла появление 6-8 листьев отмечено на 3-4 дня раньше по сравнению с другими сортами.
Ключевые слова: масличные культуры, интродукция, экологическое испытание, сорта и гибриды, масличный лён, подсолнечник, рапс, горчица, начальное развитие, появление 6-8 листьев.
Abstract. This article presents the results of observations on the early development stages of oilseed crops under the conditions of Karakalpakstan. In particular, the observations on the appearance of 6-8 leaves in oilseed crops were analyzed. The results showed that in the oil flax variety Fliz zu and the mustard varieties Nika and Kolla, the appearance of 6-8 leaves was recorded 3-4 days earlier compared with the other varieties.
Keywords: oilseed crops, introduction, ecological trial, varieties and hybrids, oil flax, sunflower, rapeseed, mustard, early development, appearance of 6-8 leaves.

Кириш

Мойли экинлар озиқ-овқат, озуқа ва техник мақсадларда ишлатиладиган ўсимлик ёғининг асосий манбаидир. Уларнинг ҳосилдорлиги ва ёғ миқдори навнинг генетик имкониятларидан ташқари, ўсув даврининг дастлабки босқичларида ўсимликнинг қанчалик жадал ва мувофиқ ривожланишига ҳам боғлиқ. Униб чиқиш, дастлабки барг ҳосил бўлиши, илдиз тизимининг шаклланиши ва ёш ниҳолларнинг ташқи муҳит омилларига чидамлилиги кейинги фенологик фазалар ўтишини, ўсимликлар қалинлигини ва якуний ҳосил таркибини белгилаб беради.

S.G.K. Adiku ва бошқаларнинг [1] тадқиқотларида рапс, хантал ва мойли зиғирнинг турли ривожланиш босқичларида илдиз тизими ўсиши ҳамда сув билан таъминланишнинг таъсири баҳоланган. Илдизларнинг ўсиши майсалик давридан гуллашгача фаоллашиши ва экин турларига қараб фарқланиши аниқланган.

A.A.Schneiter, J.F.Miller [2] ларнинг изланишларича кунгабоқарнинг вегетатив ва генератив ривожланиш босқичлари тизимлаштирилган. Тадқиқотда майсаларнинг пайдо бўлиши, ҳақиқий баргларнинг шаклланиши ва кейинги ривожланиш босқичларини аниқ баҳолаш усули асосланган.

T. Hooks, G. Niu, G. Ganjegunte [3] лар рапс ва ханталнинг турли генотипларида уруғ майсаларининг униб чиқиши ва дастлабки ўсишини шўрланиш шароитида ўрганган. Натижалар дастлабки ривожланиш суръати генотип хусусиятлари ва ташқи муҳит омилларига боғлиқлигини кўрсатган.

Материаллар ва методлар

Тажриба 2026-йили Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти тажриба хўжалигида олиб борилди. Интродукция қилинган мойли экинлардан (Россия, «Пустовойт») кунгабоқарнинг Клип Во, Сурус Ор, Сури ва Стеарин дурагайлари, мойли зиғирнинг Флиз зу ва ВНИИМК 620 навлари, рапснинг Таврион ва Викинг навлари ҳамда ханталнинг Ника ва Колла навлари ўрганилди.

Тажриба олиб бориш, кузатувлар, ҳисоб ва таҳлиллар, биометрик ўлчовлар «Мойли экинлар биологиясининг илмий асослари ва етиштиришда инновацион технологиялар» (2019), «Мойли экинлардан юқори ҳосил етиштириш агротехнологияси бўйича тавсиялар» (2012), «Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур» (1989) услубий қўлланмалари асосида олиб борилди.

Натижалар

Рапс ўсимлиги истиқболли мой берувчи ўсимликлардан биридир. Унинг уруғида 30-32 % мой бор. Рапснинг дастлаб яратилган навлари уруғларида ҳайвон организмлари учун зарарли бўлган эрук кислотаси бор бўлган. Ана шу модда рапс кунжарасига аччиқ, ёқимсиз таъм бериб туради. Ҳозирги кунда яратилган рапснинг навларида бу зарарли модда жуда кам миқдорда. Бир гектар ерга рапс экилганда 10 с мой ва 5 с оқсил олиш мумкин. Рапснинг чала қурийдиган мойи озиқ-овқат сифатида, полиграфия ва тери ошлаш саноатида ишлатилади. Бундан ташқари, рапс мойи лак-бўёқ ва каучук олишда, тўқимачиликда сунъий матолар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Рапс сомони қўзоқчаларидан фурфурол ва селлюлоза ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Тадқиқотларимиздаги мойли экинларнинг 6-8 барг пайдо бўлиши дала кузатув таҳлиллари 1-жадвалда келтирилган. Бунда кунгабоқарнинг Клип во, Сурус ор ва Стеарин дурагайларида 6-8 барг пайдо бўлиши 18 кунни ташкил этган бўлса, Сури дурагайида эса 17 кунни ташкил этди. Рапснинг Таврион ва Викинг навларида 16 кунда 6-8 барг пайдо бўлиши кузатилди. Мойли зиғирнинг ВНИИМК 620 нави 17 кунда ва Флиз зу нави 15 кунда 6-8 барг пайдо бўлиши кузатилди. Ханталнинг Колла навида 15 кунда ва Ника навида 14 кунда 6-8 барг пайдо бўлиши кузатилди. Кузатишлар натижасида мойли зиғирнинг Флиз зу нави ва хантал ўсимлигининг Ника ва Колла навларида 6-8 барг пайдо бўлиши бошқа навларга нисбатан 3-4 кунга эрта кузатилди.

1-жадвал. Мойли экинларнинг 6-8 барг пайдо бўлиши бўйича кузатувлар таҳлиллари

Вар №	Экин тури Навлар ва дурагайлар номи	100% 6-8 барг пайдо бўлиши, кун			Ўртача, кун
		Қайталама			
		I	II	III	
1	(Кунгабоқар) Клип Во	19	18	18	18
2	(Рапс) Таврион	18	17	15	16
3	(Мойли зиғир) Флиз зу	20	12	14	15
4	(Мойли зиғир) ВНИИМК 620	22	17	14	17
5	(Хантал) Колла	19	14	13	15
6	(Рапс) Викинг	19	16	14	16
7	(Кунгабоқар) Сурус ор	21	17	18	18
8	(Хантал) Ника	18	13	13	14
9	(Кунгабоқар) Сури	19	18	15	17
10	(Кунгабоқар) Стеарин	19	18	18	18

Хулоса

Тажриба натижаларига кўра, мойли экинлар навлари ва дурагайларида 6-8 барг пайдо бўлиши ўртача 14-18 кунни ташкил этди. Энг тез ривожланиш Флиз зу (мойли зиғир) ва Ника (хантал) навларида кузатилиб, ўртача 15 ва 14 кун бўлди. Кунгабоқар навлари (Клип Во, Сурус ор, Стеарин) нисбатан узоқ, яъни ўртача 18 кунда 6-8 барг ҳосил қилди. Қайталамалар орасидаги фарқлар (айниқса зиғир ва хантал навларида) 100 % 6-8 барг пайдо бўлиши навнинг биологик хусусиятларига ва ўсув давринг дастлабки босқичидаги ҳарорат шароитига боғлиқлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Schneiter A. A., Miller J. F. (1981). Description of Sunflower Growth Stages. Crop Science, 21(6), 901–903.
2. Hooks T., Niu G., Ganjegunte G (2019). Seedling Emergence and Seedling Growth of Mustard and Rapeseed Genotypes under Salt Stress. Agrosystems, Geosciences & Environment, 2(1), мақола рақами 190062, 1–8-бетлар.
3. Adiku S. G. K (2011). Rooting systems of oilseed and pulse crops I: Temporal growth patterns across the plant developmental periods. Field Crops Research, 122(3), 256–263.